Адл ила олам юзин обод қил

# Куч–адолатда

2019 йил 6 декабрь, жума № 48 (770)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУТЛАҚО ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда халқимизнинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни шакллантириш, миллионлар ўйини бўлган ва мамлакатимизда алоҳида ўрин тутадиган спортнинг футбол турига аҳолини, айниқса, ёшларни кенг жалб этиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш, саралаб олиш (селекция) тизими ва футбол инфратузилмасини янада ривожлантириш, футбол бўйича спорт мактаблари фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини яхшилаш, ўтказилаётган мусобақалар савиясини юксалтириш каби масалалар долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда футболни аҳоли ўртасида энг оммавий спорт турига айлантириш, юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш, саралаб олиш ва уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, мамлакат футболини ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила оладиган даражага етказиш, халқаро талаб ва стандартлар асосида футбол бўйича мутахассисларни тайёрлаш, футбол клублари фаолиятини ривожлантириш, терма жамоалар учун ўқув-машқ жараёнини самарали ташкил этиш, мамлакатда футбол бўйича йирик халқаро мусобақалар, жумладан, ўсмирлар, ёшлар ва хотин-қизлар жамоалари ўртасида жаҳон ва қитъа биринчиликларини ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг қуйидагиларни **Ўзбекистон Республикасида профессионал футболни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари** этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

болалар ва ўсмирларнинг футбол билан шуғулланишга қизиқишини ошириш, ҳаваскор футболни оммавийлаштириш, бу борада умумтаълим мактаблари, бошқа таълим муассасалари, маҳалла ва ташкилотларда футбол бўйича мусобақаларни мунтазам равишда ташкил этиш;

юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш ва саралаб олиш (селекция) тизимини тубдан такомиллаштириш, уларни босқичма-босқич профессионал тайёргарликдан ўтказиб бориш орқали футболни ривожланаётган давлатларнинг етакчи клубларига "футболчилар экспорти"ни амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш;

футбол соҳасига хусусий инвестицияларни кенг жалб этиш ва уларни рағбатлантириш, футбол соҳасини бозор механизмлари асосида бошқариш, футбол клубларини хусусий секторга ўтказиш ҳамда улар орасида соғлом спорт рақобати муҳитини яратиш;

футбол мусобақалари томошабоплигини ошириш ҳамда футболни ривожлантиришнинг янги тизимини самарали йўлга қўйиш орқали "ўзбек футболи" мактабини яратиш;

футбол соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга илғор илмий-методик ва инновацион технологияларни жорий этиш;

футбол соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, футбол инфратузилмасини моддий-техник жиҳатдан янада яхшилаш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш.

2. Қуйидагилар:

**Ўзбекистонда профессионал футболни ривожлантириш схемаси** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришнинг янги босқичга олиб чиқиш концепцияси** 2-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш концепциясини 2019-2020 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харита"** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг "Йўл харита"да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. **Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари** 4-иловага мувофиқ (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) тасдиқлансин ва унда шу жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин:

умумий аҳолига нисбатан футбол билан мунтазам шуғулланувчилар сонини камида **5 фоизга** етказиш орқали республикада футболнинг оммавийлигини таъминлаш;

Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерациясининг миллий терма жамоалар рейтингида Ўзбекистон миллий терма жамоасининг кучли **50 таликка** киришига эришиш;

хусусий футбол мактаблари ва хусусий профессионал футбол мактаблари **сонини босқичма-босқич ошириш;**

Ўзбекистон Республикасида Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси ва Осиё Футбол Конфедерацияси таснифига кирувчи **чемпионатлар ва расмий халқаро турнирларни ташкил қилиш ва ўтказиш.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Мақсадли кўрсаткичларга эришиш, белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали бажариш учун масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг:

профессионал футбол клублари қошидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган болалар-ўсмирлар футбол мактаблари негизида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги **футбол маҳорат мактаблари** (кейинги ўринларда — футбол маҳорат мактаблари) ҳамда **болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этиш;**

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда аҳоли сонидан **келиб чиқиб**, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган **қўшимча футбол маҳорат мактабларини** ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги болалар ва ўсмирлар **футбол академияларини футбол маҳорат мактаблари этиб қайта ташкил этиш** ва уларни Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тасарруфига ўтказиш;

ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари негизида **олимпия захиралари коллежларини** ҳамда уларга ажратилган қабул квотаси доирасида **футбол бўлимларини ташкил этиш ва уларда футбол бўйича мутахассисларни (спортчилардан ташқари) тайёрлаш;**

футбол маҳорат мактабларининг раҳбарлари, тренерлари ва бошқа ходимларига олимпия захиралари коллежлари учун белгиланган **меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини қўллаш;**

футбол маҳорат мактабларини тегишлича **ҳудудий профессионал футбол клубларига бириктириш;**

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб тегишли таълим муассасаларида футбол клублари, спорт таълим муассасалари учун **спорт шифокори, спорт психологи, спорт фармакологи, спорт ҳуқуқшуноси ва спорт диетологи** йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил қилиш;

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНИГА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давлат харидлари тизимининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда уни янада такомиллаштириш ҳисобига корпоратив буюртмачилар, шу жумладан, стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналар маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш, давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги "Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3487-сон қарори билан тасдиқланган стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналар:

энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли орқали харидларни амалга оширишдан олдин давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида эълон жойлаштиради. Эълонда харид комиссияси томонидан таклифларни қабул қилиб олишнинг **ўн беш кундан кам бўлмаган** сўнгги муддати ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунининг 52-моддасида назарда тутилган ахборот бўлиши керак;

харид комиссиясининг энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича баёнини у расмийлаштирилган куни давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида **икки иш куни муддатга** жамоатчилик муҳокамасига жойлаштиради;

давлат харидлари доирасида тузилган шартномалар тўғрисида маълумотларни улар тузилган санадан бошлаб **уч иш кунидан кечиктирмасдан** белгиланган тартибда давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар реестрига киритади;

(Давоми 2-бетда) ▶

Мамлакатимизда 2017 йил 7 февралда "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" тасдиқланди ва изчил амалга оширилмоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ушбу дастуриламал ҳужжат давлат ва жамият ривожланишининг мутлақо янги босқичини бошлаб берди.




*8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ва конституциявий тараққиёт



Ҳаракатлар стратегияси Конституцияни такомиллаштириш учун асос бўлди. Бунда Асосий Қонун Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган демократик ислоҳотларни амалга оширишнинг конституциявий пойдевори сифатида хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

## Конституция – суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси

**Мамлакатимизда Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллиги кенг нишонланмоқда. Зеро, Конституциямиз юртимизда эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни шакллантириш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бош Қомусимизда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари кафолатланади.

Конституциямизда олий қадрият сифатида белгиланган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласида суд ҳокимиятининг тутган ўрни беқиёсдир. Ўтган даврда шу асосда судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

**Ҳаётда аёлнинг матонати, сабр-бардоши ва иродасидан мустаҳкамроқ инсоний фазилат бўлмаса керак. Шу боис унга "Муқаддас аёл" дея таъриф берилади.**

*Оқлов*




Мақоламиз қаҳрамони — фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судининг раиси вазифасида ишлаган Навбаҳор Қодирова ҳақида ҳам ана шундай фикрларни айтиш мумкин.

Навбаҳор Қодирова 2008 йил 11 сентябрдан 2013 йил 25 майга қадар судьялик лавозимида фаолият юритган. Ана шу вақт мобайнида касбий масъулиятдан келиб чиқиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш борасида фидойилик билан меҳнат қилган.

Аммо иш фаолиятининг сўнгги ойларида уни "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси Асака туман филиали раҳбари ва бошқаларга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "б,в,г"-бандлари, 209-моддаси 2-қисми "а"-банди билан қўзғатилган жиноят иши доирасида туман прокуратурасига чақиришган. Яъни туман прокуратураси суд раисига қайноғасининг ўғли Даврон Ашурхоновнинг филиалга ҳуқуқшунос ёрдамчиси вазифасига ишга жойлаштириб, аслида суд мажлиси котиби ишларини бажартириб юрганлик важи билан айб эълон қилмоқчи бўлган.

Табиийки, Н.Қодирова буни инкор этган. Бироқ 2013 йил 20 февралда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари (айни пайтда собиқ) томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига тақдимнома киритилган. Натижада 2013 йил 15 майда суд раиси меҳнат таътилига чиқарилган. Кейинчалик — судьялик муддати тугашига 2 ой қолганда туман прокуратураси терговчиси унга муддатидан олдин вазифасидан озод қилинганини билдирган.

Шундан сўнг 2013 йил 16 ноябрда Навбаҳор Қодирова акциядорлик тижорат "Агробанк"нинг Андижон вилоят бошқармаси юридик бўлими бошлиғи вазифасида иш бошлаган. Лекин 2015 йил 13 ноябрда банк раҳбари "Сиз судланган экансиз", — дея ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзишини талаб қилган. Бу гапни эшитиб, Н.Қодирова бутқул ҳайрон бўлиб қолган.

(Давоми 4-бетда) ▶

## Олий суд раисининг сайёр қабулида икки шахс оқланди

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.**



Ушбу конституциявий кафолатларнинг амалдаги ифодасини фуқароларнинг судларга мурожаати кўпайганидан ҳам билса бўлади.

Ўз навбатида, судлар томонидан аҳолига қулайлик яратиш мақсадида фуқаролар қабули, оммавий қабул, сайёр қабул каби тадбирлар йўлга қўйилганки, бу суд орқали ҳимояланиш имкониятини оширмоқда.



Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козимжон Комиловнинг пойтахт аҳолиси учун сайёр қабули ташкил этилди.

Қабул давомида 232 нафар фуқаронинг мурожаати қабул қилинди. Фуқароларнинг 127 нафари жиноят ишлари бўйича, 60 нафари фуқаролик ишлар бўйича, 39 нафари маъмурий ишлар бўйича, 6 нафари иқтисодий ишлар бўйича мурожаат қилди.

Мурожаатларнинг 53 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, 133 мурожаат жойида ижобий ҳал этилди.

88 та мурожаат бўйича аризалар Олий суд томонидан назорат тартибида ҳал қилиш учун қабул қилиб олинди. Ушбу мурожаатларнинг 42 таси қаноатлантирилиб, тегишли судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан иккита жиноят иши бўйича 2 нафар шахс оқланди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан 3 нафар шахсга оид жиноят иши кўриб чиқилиб, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод тумани суди томонидан 30 нафар, Учтепа тумани суди томонидан 15 нафар, Сирғали тумани суди томонидан 10 нафар, Чилонзор тумани суди томонидан 5 нафар, Шайхонтоҳур тумани суди томонидан 3 нафар, Яккасарой тумани суди томонидан 1 нафар жазо ўтаётган, жами 64 нафар шахс жазони ўташдан муддатидан олдин озод қилинди.

Шунингдек, 22 нафар шахсга нисбатан қўзғатилган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар сайёр суд мажлисида кўрилди, уларнинг аризаси қаноатлантирилиб, маъмурий иш юритувдан тугатилди.

Қабулда жиноят ишлари бўйича муаммолари ҳал бўлган 68 нафар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ёзма ташаккурнома билдирди.

**Шухрат НЕЪМАТОВ,**
*ЎзА мухбири*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУТЛАҚО ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

замонавий илмий ютуқлар ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тренер, селекционер (скаут), таҳлилчи, ҳакам, маркетолог ва футбол менежери йўналишлари бўйича юқори малакали футбол мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида маҳаллий ҳамда хорижий мутахассисларни кенг жалб қилиш орқали **Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида Футбол мутахассисларини тайёрлаш марказини ташкил этиш;**

халқаро тажрибадан келиб чиқиб, Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси, Осиё Футбол Конфедерацияси талабларига мувофиқ, **2021 йилги футбол мавсумидан бошлаб Суперлига жамоалари ўртасидаги учрашувларда адолат ва шаффофликни таъминлаш мақсадида VAR** (Video Assistant Referee, видео ёрдамчи ҳакам) тизимини жорий этиш;

халқаро талаблардан келиб чиқиб, салоҳияти юқори футболчиларни профессионал даражада тайёрлаш, улар хорижий давлатларнинг нуфузли футбол клубларида профессионал фаолият олиб боришини таъминлаш, шунингдек, футболчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида **футбол бўйича агентлар (воситачилар)нинг** фаолиятини тартибга солиш ва уларни аккредитациядан ўтказиш ваколатини Ўзбекистон футбол ассоциациясига юклаш;

2021 йил 1 январдан бошлаб халқаро тажрибадан келиб чиқиб, спорт соҳасини, айниқса, футболни янада ривожлантириш, унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида **Ўзбекистон Республикасида букмекерлик фаолиятини** амалга оширишга рухсат бериш;

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясининг тузилмасига қўшимча иккита селекционер штат бирлигини киритиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар шахслар томонидан букмекерлик фаолиятини амалга оширишни бузиш, шунингдек, тотализатор ўйнаш, ўйинга ёки унинг натижасига таъсир ўтказиш мақсадида келишилган ўйинлар ўтказиш, уларда иштирок этиш юзасидан жавобгарликни белгилаш бўйича Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва спорт таълим муассасаларида футбол бўйича ўқув, ўқув-машқ, тарбияланувчи ва ўқувчиларни саралаб олиш (селекция) ҳамда уларда мусобақаларни ўтказиш тартиби **Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан белгиланади ва мувофиқлаштириб борилади;**

футбол маҳорат мактаблари директорлари ва спорт бўйича директор ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш **Ўзбекистон футбол ассоциациясининг тақдимномасига асосан** Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан амалга оширилади.

6. **2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги футбол маҳорат мактабларини ташкил этиш, уларда қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш жадвали** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2020 йил ва келгуси йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан футбол маҳорат мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун марказлашган капитал қуйилмалар лимитлари ажратилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги футбол маҳорат мактабларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) **умумтаълим мактаблари ўртасида:**

ҳар бир туман (шаҳар)да доимий равишда йилига **камида икки маротаба "Мактаблар футбол лигаси"** мусобақалари ўтказиб борилади;

"Мактаблар футбол лигаси" мусобақалари туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ҳамда Ўзбекистон "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамиятига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

Бунда "Мактаблар футбол лигаси" мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича иқтидорли ўқувчилар туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг футбол бўлинмалари ҳамда хусусий футбол мактабларига **саралаб олинади (селекция);**

б) **туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактаблари футбол бўлинмалари ва хусусий футбол мактаблари ўртасида:**

ёш тоифасидан келиб чиқиб белгиланган меъёрлар асосида туман (шаҳар), **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда республика миқёсида "Спорт мактаблари футбол лигаси"** мусобақалари ўтказиб борилади;

"Спорт мактаблари футбол лигаси" мусобақалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

Бунда "Спорт мактаблари футбол лигаси" мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича **футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академияларига** футболчилар саралаб олинади (селекция);

в) **футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академиялари ўртасида:**

ёш тоифасидан келиб чиқиб белгиланган меъёрлар асосида **"Профессионал футбол мактаблари лигаси"** мусобақалари ўтказиб борилади;

"Профессионал футбол мактаблари лигаси" мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича **ҳудудий профессионал футбол клубларига** футболчилар саралаб олинади (селекция);

"Профессионал футбол мактаблари лигаси" мусобақалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

Бунда футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академиялари **футболчилари республика ҳамда халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этади;**

г) Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясида **футбол бўйича турли ёш тоифасидаги терма жамоалар тайёргарлик кўрадилар.**

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан молиялаштириладиган профессионал футбол клублари устав фондларидаги давлат ва давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари улушларини **Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш орқали хусусий инвесторларга** сотиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. **Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиладиган профессионал футбол клублари устав фондидаги давлат ва давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг улушлари рўйхати** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қайд этилсинки:

профессионал футбол клублари устав фондидаги давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари улушлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига хўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат улуши ва хўжалик жамиятларининг улушларини баланс қийматида камайтириш ҳисобига берилади;

мазкур Фармоннинг 6-иловасида кўзда тутилган профессионал футбол клубларининг устав фондидаги давлат улушлари Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг қарорига асосан белгиланган тартибда сотилади.

10. **Профессионал футбол клубларига давлат корхоналари ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар томонидан ажратилаётган молиявий маблағларнинг самарали фойдаланилиши устидан Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан мониторинг ўтказиш** амалиёти жорий қилинсин.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси:

мониторинг натижалари юзасидан давлат корхоналари ва ташкилотларига, шунингдек, юқори турувчи органларга таклиф ва тавсиялар киритиб борсин;

профессионал футбол клубларидаги спортчи ва бошқа мутахассисларни рағбатлантириш тизими шаффофлигини таъминлаш мақсадида икки ой муддатда ягона тартибни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудий футбол ассоциациялари фаолияти тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча даромадлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг 2020-2021 йилларда:

**Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони ҳудудида футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулот марказини** ташкил этиш;

**Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида функционал диагностика, спортчиларни соғломлаштириш ва реабилитацияси учун замонавий спорт тиббий марказини ташкил қилиш ва зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йилги Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг марказлашган капитал қуйилмалар лимитлари доирасида футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулот марказини қуриш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги Молия вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар букмекерлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва уларда шу жумладан қуйидагиларни:

букмекерлик фаолиятини лицензиялаш **Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан** амалга оширилишини;

букмекерлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан **телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан, Интернет тармоғи провайдерларида хизматлар кўрсатилишини тартибга солишни;**

букмекерлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари даромадларининг бир қисмини **спорт турлари, шу жумладан, футболни ривожлантириш учун йўналтиришни;**

букмекерлик фаолиятини **давлат томонидан назорат қилиш механизмлари** жорий этилишини назарда тутсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги футбол маҳорат мактаблари фаолияти билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, уларни футболи ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш харажатлари учун зарур маблағларни 2020 йилда Давлат бюджетининг "Маданият ва спорт" соҳасига ажратиладиган маблағлар доирасида ажратсин ва 2021 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2020 йил 1 февралга қадар тегишли ҳудудларда **стадион ва футбол майдонларини хатловдан ўтказсин ва хатлов натижаси бўйича эгаси номаълум стадион ва футбол майдонлари қонунчиликда белгиланган тартибда жойлардаги** туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактабларига ўтказилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Адлия вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси А.А.Азизов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2019 йил 4 декабрь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНИГА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

харидларни **электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион** орқали қонунда белгиланган мезонларга мувофиқ амалга оширишга ҳақли.

2. Танлов ва тендер савдолари орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклга ўтказиш бўйича "йўл харитаси"1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2020 йил 1 январдан бошлаб давлат буюртмачиларига электрон дўконнинг қўшимча саҳифасидан фойдаланган ҳолда, давлат харидларини ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) кесимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (иш бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) ўртасида амалга ошириш ҳуқуқи берилади. Бунда, электрон дўконнинг қўшимча саҳифасида харид қилиш тартиб-таомили якунига кўра товар (иш, хизмат) мавжуд эмаслиги сабабли шартнома тузилмаган бўлса, давлат буюртмачиси электрон дўконнинг асосий саҳифасидан фойдаланмасдан мустақил равишда танланган етказиб берувчи билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга ҳақли эмас.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси" акциядорлик жамияти билан биргаликда бир ой муддатда давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидаги электрон дўкон савдо майдончасида давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларини ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) кесимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (иш бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) ўртасида амалга ошириш имкониятини берувчи қўшимча саҳифа яратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **2020 йил 1 январдан** бошлаб Молия органлари ва бюджет ташкилотлари молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази базасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари учун ўқув жараёнига соҳадаги етакчи мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда **давлат харидлари бўйича махсус курслар** ташкил қилсин.

7. **2020 йил 1 апрелдан** бошлаб бюджет ташкилотларининг чет эл валютасидаги маблағларига нисбатан Молия вазирлиги Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақлари очиш орқали ғазна ижроси механизми жорий этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2019 йил 5 декабрь*

*Жиноят ва жазо*

# Оталар жиноятга

**Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга кластер модели, хусусан, пахтачилик кластери кириб келди. Ушбу модел пахтани етиштиришдан тортиб, уни тайёр маҳсулотга айлантириш ва сотишгача бўлган жараённи ўз ичига қамраб олади.**

Мутахассислар ҳам, деҳқонлар ҳам жойларда кластер моделининг бениҳоя самарали эканини бот-бот таъкидлашмоқда. Чунки фермер хўжалиги раҳбари ва аъзолари чигит қадашдан бошлаб, ҳосилни йиғиб-териб олгунча, ер майдони шудгордан чиқарилгунча кластер томонидан меҳнатига яраша тўлиқ маблағ билан таъминланади.

Келажакда катта миқдорда сармоя топишни, корхона тармоқларини кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантиришни ўйлаган кластер пахта тозалаш корхонаси ёнидан чигитни қайта ишлайдиган ёғ-мой ва чорва озуқаси ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этади. Албатта, толадан пишиқ калава ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

Шу билан бирга, омилкор инсон тикув фабрикаси барпо этишни режалаштиради. Янги ташкил этилган корхоналарда қанчадан-қанча одам ишга жойлашади.

Кластер модели самарали ва афзал эканининг яна бир муҳим жиҳатига эътибор қаратамиз. Гап шундаки, мамлакатимиз ички эҳтиёжидан ортган нафақат пахта хом ашёси, балки ҳар қандай қишлоқ хўжалик маҳсулоти хориж давлатларига экспорт қилиниши мумкин.

Бунинг эвазига юртимизга чет эл валютаси келади. Халқимиз бой бўлса, давлатимиз бойдир. Давлатимизнинг бойлиги, ўз-ўзидан, халқимизнинг бахтидан далолат.

Президентимизнинг шу йил 17 апрелда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида тилга олинаётган янги, самарали ва афзал усулни янада кенг жорий этиш алоҳида кўрсатилган.

Буларнинг барчаси бежиз эмас. Зеро, ишнинг кластер модели шаклида ташкил этилиши бир қатор ижобий имкониятларни юзага чиқаради. Ҳосилнинг мўл бўлиши кластер томонидан назоратга олинади. Ҳосилни қабул қилиш, қайта ишлашда эгалик ҳисси кучаяди. Эгалик ҳиссининг кучайиши ва моддий манфаатдорлик турли талон-торожлик ва ўзлаштириш жиноятлари йўлига ғов солади.

Пахтачилик кластери моделига ўтилмаган жойда эса, пахта хом ашёсини сотиш, ўзлаштириш, турли йўллар билан растрата этишдек ўтмишдан меросга айланган қилмишлар барҳам топмайди. Бунга ҳаётий бир мисол келтирамиз.

"Янгиқўрғон пахта тозалаш" акциядорлик жамиятининг бир гуруҳ масъул шахслари терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган кимсаларга пахта хом ашёсини сотиб, турли йўллар билан ўзлаштирган. Шу тариқа улар ўзганинг жуда кўп миқдордаги мол-мулкини талон-торож этишган.

Мазкур жиноят иши материаллари билан танишиш асносида жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари нимада, деган савол туғилди. Ҳақиқатан ҳам, имконият бўлмаса, жиноят рўй бермайди.

Таҳлиллар ва ўрганишлар ушбу жиноятнинг туб сабаби пахта тозалаш корхоналарида иш тутумининг аввалдан мерос ўтган эскича усулда давом этаётганига бориб тақалишини кўрсатди.

Судланувчи Суҳроб Тешаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) акциядорлик жамияти негизидаги "Завод қоши" пахта қабул қилиш маскани 2-зона товаршуноси лавозимида ишлаган. 2018 йил 25 сентябрда жамият билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузган. У пахта мавсуми давомида фермер хўжаликлари томонидан пахта қабул қилиш масканига топширилган 3764,8 тонна, қиймати 13 миллиард 59 миллион 732 минг 700 сўмлик пахта ҳосилини қабул қилиб олган.

Шундан сўнг С.Тешаев назорат қилинмайдиган мулкий наф кўриш мақсадида, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ҳосилни тўлиғича қайта ишлашга йўналтириш ўрнига 213,7 тонна, қиймати 404 миллион 650 минг 500 сўмлик ҳосилни сотиб юборган. Содда қилиб айтганда, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож этган.

С.Тешаев ўзи содир этган жиноий ҳаракатларнинг фош бўлмаслиги йўлини қидирган. Бунинг учун "Завод қоши" пахта қабул қилиш маскани катта ҳисобчиси З.Салимов билан ўзаро жиноий тил бириктирган.

Расмий ҳужжатга, яъни пахта хом ашёсининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотга талон-торож қилинган ва ҳақиқатда мавжуд бўлмаган 213,8 тонна ҳосил мавжудлиги ҳақида сохта маълумотлар киритилган. С.Тешаев ушбу маълумотнинг қалбаки эканини била туриб, жамият ҳисобхонасига тақдим этган.

Бундан ташқари судланувчи С.Тешаев ушбу акциядорлик жамиятига қарашли "Ўзбекистон" ва "Оқдарё" пахта қабул қилиш масканларидан жамиятга ишлаб чиқариш учун юборилган пахта ҳосилини қабул қилиб олиши, қайта ишлашга топшириши, ундан чиққан барча турдаги маҳсулотларни белгиланган меъёр асосида тўлиғича чиқишини таъминлаш бўйича товаршунос ҳам эди. Бу лавозимга у акциядорлик жамияти бош директорининг 2018 йил 3 ноябрдаги буйруғи билан тайинланган.

С.Тешаев "Оқдарё" пахта қабул қилиш масканидан ишлаб чиқариш учун жўнатилган 1663,6 тонна пахтани қабул қилиб олади. Аммо ихтиёрида бўлган бу ҳосилни тўлиқ қайта ишлашга йўналтирмайди. Аксинча, 35,9 тонна ёки 119 миллион 2 минг 200 сўмлик пахтани ўзига маълум бўлган шахсларга сотиш орқали ўзлаштириб юборади.

*8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*

# ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ва конституциявий тараққиёт




◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 7 маротаба принципиал ўзгартишлар киритилди.

**Биринчи ўзгартириш:** 2017 йил 6 апрелда Конституциянинг 7 та моддасига киритилган тузатишларда:

биринчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш;

иккинчидан, одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш;

учинчидан, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимларига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш — суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари сифатида мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур конституциявий ўзгартишлар суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини такрорловчи функцияларни бартараф этишга ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу мақсадда Конституциянинг 80, 81, 83, 93, 107, 110, 111-моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу тузатишларга мувофиқ, Олий хўжалик суди ва Олий суд фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иши юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органига — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

Конституцияга суд ҳокимиятининг фаолиятини тубдан яхшилашга, нуфузини оширишга, судлар тузилишини такомиллаштиришга ҳамда судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш тизимини демократлаштиришга қаратилган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларнинг киритилиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари судда ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, мамлакатда қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилига айланди.

**Иккинчи ўзгартириш:** 2017 йил 31 майда Конституциянинг 4 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Асосий Қонунимизнинг 80 ва 93-моддаларига киритилган ўзгартишларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилганлиги ва у ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериши ҳамда Қўмитанинг раиси ва раис ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланиши ҳамда лавозимидан озод қилиниши белгиланди.

Конституциянинг 108-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан Судьялар олий кенгаши тавсия этган шахслар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланадиган бўлди.

Конституциянинг 108 ва 109-моддаларига киритилган тузатишларда Конституциявий қонунларнинг, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг имзолангунига қадар Конституцияга мувофиқлигини текшириш, Олий суднинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатларини кўриб чиқиш, шунингдек, ҳар йили Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш борасидаги Конституциявий суднинг ваколатларини кенгайтириш назарда тутилди.

Ушбу конституциявий янгиликларнинг ҳаётга татбиқ этилиши давлатимизда судлов тизимини янада такомиллаштириш, Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, судьялар ва суд тизими ходимларини ижтимоий рағбатлантиришни юқори даражага кўтарди.

**Учинчи ўзгартириш:** 2017 йил 29 августда Конституциянинг 99-моддасидаги "шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан" деган сўзлар чиқариб ташланди. Конституциянинг 99-моддасига ўзгартиш киритиш орқали Тошкент шаҳри туманларида халқ депутатлари Кенгашларини ташкил этишнинг конституциявий асоси мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституциянинг 102-моддасига ҳам учта ўзгартиш киритилди. Яъни Тошкент шаҳри таркибидаги 11 та туманнинг барчасида халқ депутатлари Кенгашлари ташкил этилиши муносабати билан Конституциянинг 102-моддасида туман ва шаҳар ҳокимларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилишнинг ягона тартиби ўрнатилди.

Ушбу конституциявий ўзгартиришлар, аввалам6ор, пойтахт жамоатчилигига Тошкент шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишдаги иштироки ва ролини кучайтириш, туманларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор дастурларини амалга ошириш, туманларнинг бош режалари ва қурилиш қоидалари, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорини белгилаш, қонун ҳужжатларига мувофиқ улар бўйича имтиёзлар бериш устидан назорат қилиш механизми ўрнатилишини таъминламоқда.

**Тўртинчи ўзгартириш:** 2018 йил 15 октябрда Конституциянинг 105-моддаси биринчи қисмидаги "икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини" деган сўзлар "раисни (оқсоқолни)" деган сўзлар билан алмаштирилди.

**Бешинчи ўзгартириш:** 2019 йил 18 февралда Конституциянинг 80-моддаси 7-бандидаги ва 93-моддаси биринчи қисми 24-бандидаги "Миллий" деган сўз "Давлат" деган сўз билан алмаштирилди.

**Олтинчи ўзгартириш:** 2019 йил 5 мартда Конституциянинг 3 та моддасига ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартишларга мувофиқ, эндиликда Президент Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади.

**Еттинчи ўзгартириш:** 2019 йил 4 сентябрда Конституциянинг 2 та моддасига ўзгартиришлар киритилди. Шунга мувофиқ, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямиз мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг барча соҳаларида изчил ва босқичма-босқич, узвий ва тизимли равишда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислоҳотларнинг мустаҳкам юридик манбаи ҳамда асосий ҳуқуқий кафолатидир.

Ҳуқуқий давлатчилик сари интилган ҳар қандай демократик жамиятда Конституция устувор аҳамият касб этади. Бинобарин, Конституция инсониятнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва ташкил этиш борасида кашф этган энг муҳим ютуқларидан биридир.

Конституция ўз-ўзича, яъни алоҳида, жамиятдан ажралган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. Демакки, Конституцияни догма, яъни қотиб қолган қоидалар йиғиндиси деб бўлмайди.

Конституция — динамик ҳужжат. Яъни у ҳаёт жўшқинлиги ва ўзгаришларини ўзида акс эттиради. Шу маънода Ҳаракатлар стратегияси янги Ўзбекистоннинг янги конституциявий қиёфасига асос бўлиб хизмат қилди ва хизмат қилмоқда.

**Акмал САИДОВ,**
*академик*

# Конституция – суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Бу ислоҳотларнинг амалга оширилиши учун сўнгги уч йил мобайнида қабул қилинган суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга оид қонунлар, фармон ва қарорлар ҳуқуқий замин яратди.

Бошқача айтганда, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди. Ушбу йўналишда бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судлари бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилганини таъкидлаш лозим. Бундан мақсад — суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, судлар фаолияти самарадорлигига эришиш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашдир.

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг суд орқали ишончли ҳимоясини таъминлаш, маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш бўйича конституциявий норманинг амалда ижросини таъминлаш учун маъмурий судлар ташкил этилди. Эндиликда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат идоралари томонидан бузилса, улар ҳар бир туман ва шаҳарда фаолият юритаётган маъмурий судларга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Бундан ташқари ҳеч қайси ҳокимият бўғинига бўйсунмайдиган орган — Судьялар олий кенгаши ташкил этилди ва бу билан судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олди олинди, очиқ, ошкора ва муқобил танлов тизими яратилди. Натижада судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизими янада такомиллаштирилди.

Бугунги кунда мазкур Кенгаш томонидан судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек, раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш, уларнинг одил судлов борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Судьялик лавозимига биринчи маротаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш ва сайлашни назарда тутувчи тартиб жорий этилди. Бу ҳам суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судьяларнинг касбий нуфузини оширишга қаратилгандир.

Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини қайта кўриб чиқишнинг амалдаги тизими такомиллаштирилди. Суд процесси муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортиқча оралиқ инстанцияларни бартараф этиш мақсадида вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибида қайта кўриш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялар бекор қилинди.

Апелляция ва кассация инстанциялари босқичида иш юзасидан юқори суд инстанцияси томонидан якуний қарор чиқариш кафолатлари мустаҳкамланди. Янги тартиб жорий этилиши билан фуқароларнинг судма-суд овора бўлиб юришига барҳам берилди.

Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш имкониятини берувчи муддат уч йилдан бир йилга қисқартирилди. Бу ўз навбатида, ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлиги, фуқаролик процесси иштирокчиларининг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминламоқда.

Жиноят кодексининг жазо тизимида қамоқ тарзидаги жазо тури бекор қилинди. Унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган мажбурий жамоат ишлари жазо тури киритилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишнинг тезкорлигини ошириш доирасида жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилди.

Қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш, шунингдек, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилгани ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

"Хабеас корпус" институтини жорий этиш ва тергов олиб боришда суд назоратини кучайтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди. Хусусан, прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди.

Яна бир муҳим жиҳат: суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди. Бунинг натижасида судда иш юритиш тезкорлиги ва сифати ошди. Иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз кечиктириш бартараф этилиб, судларнинг жиноят процессидаги роли кучайди.

Давлатимиз раҳбари бундан буён Ўзбекистонда қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмаслиги, бундай жиноий қилмишларни содир этган ҳар қандай шахс, у ким бўлишидан қатъи назар, муқаррар равишда жавобгарликка тортилиши ҳақида ўз чиқишларида кўп маротаба қайд этиб келади.

Шу нуқтаи назардан, ушбу йўналишда далилларни сохталаштирганлик, яъни қалбакилаштирганлик учун жиноий жавобгарлик белгилангани диққатга лойиқдир. Ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик ҳам оширилди.

Қонунга хилоф усуллар орқали олинган далиллардан, жумладан, номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланди. Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар прокурор ёки суд томонидан зудлик билан мажбурий текширилиши лозим бўлган тартиб белгиланди.

Судларда жиноят ишлари бўйича очиқ муҳокама принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш тақиқланди. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Ушланган шахсларнинг қамоққа олиш тарзидаги сиртдан қабул қилинган эҳтиёт чораси устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқлари, шунингдек, ҳимоячиларнинг далилларни тўплаш ва тақдим этишга бўлган ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Бу каби ислоҳотлар натижасида 2018 йил ҳамда 2019 йилнинг ўтган 10 ойи давомида судлар томонидан бир ярим минг нафардан ортиқ шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Ушбу кўрсаткичнинг ўзиёқ суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар ўз самарасини бераётганидан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз юртимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимидаги кенг кўламли ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси вазифасини ўтамоқда.

Бош қомусимизнинг моҳияти, хусусиятлари ва салоҳиятини ўрганиш ҳамиша давом этаверади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қанчадан-қанча бунёдкорлик ҳаракатлари, эзгу мақсадларга йўналтирилган демократик ислоҳотлар, кучли фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилаверади.

**Шерзод ТЎХТАШЕВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

# ҚЎЛ УРДИ

## *болалар эса, меҳрдан мосуво қолди*

Халқимизда "Қовун қовундан ранг олар", деган нақл бор. Акциядорлик жамиятининг "Ўзбекистон" пахта қабул қилиш маскани 2-зона товаршуноси Шерқўзи Тонготаров ҳам қинғирликда С.Тешаевдан қолишмаслигини кўрсатди.

Ш.Тонготаров ушбу пахта қабул қилиш масканига фермер хўжаликлари топширган 2028,4 тонна, қиймати 6 миллиард 855 миллион 302 минг 700 сўмлик пахтани давлат стандартлари талаблари асосида белгиланган тартибда қабул қилиб олган. Аммо бу хомашёни қайта ишлаш учун акциядорлик жамиятига тўлиқ жўнатиш ўрнига нафс йўлига кирган. Оқибатда у ҳосилнинг 144,8 тоннасини ўзига таниш шахсларга сотган. Яъни 488 миллион 977 минг 100 сўмлик пахтани ўзлаштириш жиноятини содир этган.

Ш.Тонготаров жиноий ҳаракати фош бўлишининг олдини олиш учун турли қинғирликларга қўл урган. Тош боссин, оғир чиқсин, деган мақсадда пахтага сув қуйган, ҳатто тупроқ, тош ва қум қўшган.

Сўнгра Ш.Тонготаров пахта қабул қилиш маскани лаборатория мудири ва жиноят ишининг уларга тегишли қисми тугатилган бошқа шахслар билан ўзаро тил бириктириб, расмий ҳужжатларга пахтани жамлаш ва жўнатилаётганидаги ифлослиги ва намлиги даражасини кескин камайтирган ҳолда сохта ёзувлар киритган. Шу орқали пахтанинг вазнини сунъий равишда ошириб кўрсатган.

Қолаверса, у 2018 йил ҳосилидан тайёрланган пахта хом ашёсининг ҳаракати тўғрисидаги ҳужжатга сохта маълумотларни киритган. Бу ўринда Ш.Тонготаровнинг аслида мавжуд бўлмаган 151,7 тонна пахта қабул қилиш масканида сақланаётгани ҳақидаги нотўғри маълумотни акциядорлик жамияти ҳисобхонасига тақдим этгани хусусида сўз бормоқда.

Мазкур акциядорлик жамиятига қарашли "Оқдарё" ва "Даҳбет" пахта қабул қилиш масканлари 2-зона товаршунослари Ёрқин Нормўминов ҳамда Абдужалил Қўлдошевнинг жиноий қилмишлари ҳам Шерқўзи Тонготаровникига айнан ўхшаш.

Ё.Нормўминов 1821 тонна, қиймати 6 миллиард 136 миллион 498 минг 200 сўмлик пахтани фермер хўжаликларидан мавсум давомида қабул қилиб олган. Ана шу ҳосилнинг 155 тоннаси, яъни 494 миллион 864 минг сўмлигини сотиб юборган.

Бундан ташқари у пахта хом ашёсининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотга аслида мавжуд бўлмаган 157,4 тонна ҳосил пахта қабул қилиш масканида, 35,8 тоннаси эса, акциядорлик жамиятида сақланаётгани ҳақидаги сохта маълумотларни ҳисобхонага топширган.

Судланувчи А. Қўлдошев эса, "Даҳбет" пахта қабул қилиш масканига фермер хўжаликлари томонидан топширилган 1565,3 тонна, қиймати 5 миллиард 53 миллион 211 минг 700 сўмлик пахта ҳосилини амалда белгиланган тартибга кўра, қабул қилиб олган. Мулкий наф кўришни мақсад қилган ҳолда, ўз мансаб мавқеини суиистеъмол этиб, 65,4 тонна, қиймати 70 миллион 68 минг 200 сўмлик пахта ҳосилини сотиш ва бошқа йўллар билан ўзлаштирган.

Ўз навбатида, А.Қўлдошев ҳам пахта хомашёсининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотга аслида мавжуд бўлмаган 8,9 тонна пахта хом ашёси масканда, 59 тоннаси эса, жамиятда сақланаётгани ҳақидаги сохта маълумотларни киритиб, жамият ҳисобхонасига топширган.

Деҳқон пешона терини тўкиб, мўл ҳосил етиштиришга интилади. Йиғим-терим мавсумида етиштирилган ҳосилни тоза териб, қабул қилиш масканларига сифатли ҳолда етказиб беришга ҳаракат қилади. Лекин Ё.Нормўминов билан А.Қўлдошев — худди Ш.Тонготаров сингари — талон-торож қилинган ва ҳақиқатда мавжуд бўлмаган пахта ўрнини тўлдириш учун мавжуд хомашёга сув, тупроқ, тош ва қум қўшган.

Акциядорлик жамиятида 2018 йил мавсумида қабул қилиб олинган пахта хомашёси тўлиқ қайта ишлангандан кейин тафтишли текшириш ўтказилган. Текширишда пахта қабул қилиш масканлари 2-зона товаршунослари С.Тешаев, Ш.Тонготаров, Ё.Нормўминов ва А.Қўлдошевнинг жавобгарлигидаги жами 614,7 тонна, қиймати 1 миллиард 577 миллион 561,7 минг сўмлик камомад аниқланган.

Яқинда очиқ суд мажлисида судланувчилар С.Тешаев, Ш.Тонготаров, Ё.Нормўминов ва А.Қўлдошевга оид жиноят иши мазмунан кўриб чиқилди.

Суд С.Тешаев, Ш.Тонготаров, Ё.Нормўминовни Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди ва 228-моддаси 2-қисми "б" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топди. Судланувчи А.Қўлдошевни Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "а" банди ва 228-моддаси 2-қисми "б" бандида кўзда тутилган жиноятларни содир этган, деб топди.

Суд ҳукми билан судланувчиларнинг ҳар бири икки йил муддатга корхона, ташкилот ва муассасаларда моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Суд тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан С.Тешаевга — 5 йил 6 ой, Ш.Тонготаровга — 6 йил, Ё.Нормўминовга — 6 йил 4 ойга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Судланувчи А.Қўлдошевга эса, 3 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси берилди.

Судда вилоят прокурорининг даъво аризаси муҳокама қилинди ва у тўлиқ қаноатлантирилди. Судланувчи С.Тешаевдан 523 миллион 652 минг 700 сўм, Ш.Тонготаровдан 488 миллион 977 минг 100 сўм, Ё.Нормўминовдан 494 миллион 864 минг сўм ва А.Қўлдошевдан 70 миллион 68 минг 200 сўм моддий зарар акциядорлик жамияти фойдасига ундирилиши суд ҳукмида алоҳида қайд этилди.

Қисқаси, шу тариқа жиноят содир этган кимсаларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Уларга суд ҳукми билан қонуний ва адолатли жазо тайинланди.

Кишини ўйлантираётган жиҳати шуки, судланган бу кимсалар атиги беш-олти ой ишлагани ҳолда, жуда катта миқдордаги талон-торожликка йўл қўйишди. Лекин акциядорлик жамиятига етказилган зарар охир-оқибат шу судланувчилар томонидан ундириладиган бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу масаланинг нафақат ҳуқуқий, балки маънавий жиҳатига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бинобарин, судланувчилардан С.Тешаевнинг — 6 нафар, Ш.Тонготаровнинг — 3 нафар, Ё.Нурмўминовнинг эса, 2 нафар фарзанди бор.

Бу учта хонадонда оталар ўз нафси қутқусига учиб, жиноий қилмишга қўл уришди ва шунга яраша жазо олишди. Энди рўзғор юки хонадон соҳибалари зиммасига тушади. Энди ҳар бир оилада болалар ота қамоқдан қайтгунига қадар унинг меҳридан мосуво яшашига тўғри келади. Жамият эса, ҳам ота, ҳам она тарбиясини олган фарзандлардан кўпроқ манфаат топишини унутмайлик.

**Илёс ДОНИЁРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг раиси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

# Ёшлар иттифоқининг кафолат хати ёшларни суд залидан тўғри ҳаётга қайтармоқда

***Давлатимиз раҳбарининг ёшларга суд томонидан жазо тайинлашда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг кафолат хатига асосан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турини тайинлаш таклифи ижроси доирасида 2017 йил 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ўртасида "Ёшлар масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик тўғрисида"ги меморандум имзоланди.***

Меморандум ижроси доирасида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошлоқ туман кенгаши томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туман кенгаши жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга бағишланган очиқ мулоқотларни мунтазам ташкил этиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, ёшлар тарбияси билан боғлиқ бўлган суд ишларида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошлоқ туман кенгашининг иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судида адашиб жиноят кўчасига кириб қолган О.Мадалиев ва Ҳ.Арабжоновга оид жиноят ишини кўриб чиқиш жараёнида ташкилотнинг туман кенгаши фаоллари ҳам иштирок этди.

Жиноят иши тафсилотларига кўра, О.Мадалиев ва Ҳ.Арабжонов бир гуруҳ бўлиб, ҳеч бир сабабсиз безорилик ҳаракатлари билан Ф.Нурматовнинг юз қисмига уриб, унга оғир шикаст етказишган.

Ушбу ишни судда кўриш жараёнида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошлоқ туман кенгаши раиси жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этиб, О.Мадалиев ва Ҳ.Арабжонов содир этган жиноятни учун чин кўнгилдан пушаймон эканини, уларнинг оилавий шароитларини инобатга олиб, судга кафолат хати тақдим этди.

Суд ушбу кафолат хатини эътиборга олиб, О.Мадалиев ва Ҳ.Арабжоновларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлади.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошлоқ туман кенгаши томонидан адашиб жиноят кўчасига кириб қолган ёшларнинг шахси, оилавий шароити, маънавий муҳити ўрганиб чиқилиб, уларга кафолат хати бериш ёки бермаслик масалалари ҳал этилмоқда.

Агар жиноят содир этган ёшлар кафолат билан озодликка чиқариладиган бўлса, уларни соғлом муҳитга қайтариш, ўқиш ёки касбга йўналтириш бўйича аниқ ва мақсадли дастурлар амалга оширилмоқда.

**А.СУЛАЙМОНОВ,**
*Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошлоқ туман кенгаши раиси*

*Жиноят ва жазо*

# Тарки одат – амри маҳолми?

## *ёки олтмиш олти ёшли аёл нима учун йигирма маротаба судлангани хусусида*




***Донишмандларнинг айтишича, бу дунёда инсонинг энг ашаддий душмани – унинг нафсидир. Албатта, ҳар биримиз кунда-кунора айни ҳақиқатнинг турфа кўринишларига дуч келамиз. Дейлик, ношукурлик, кўзнинг очлиги, кўнгилхушликка бўлган майл, бировнинг ҳақидан қўрқмслик сингари иллатлар ортида нафс аталмиш ғанимнинг кишини аянчли қисматга гирифтор қилувчи кўрсатмаси ётади. Энг ачинарлиси, нафс ёш танламайди.***

Марғилонлик Ҳадича Эгамова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам нафс қутқусига учиб, фирибгарликни ўзига қарийб касб қилиб олди. Албатта, бундай дейишимизнинг боиси бор. Негаки, айни пайтда 66 ёшга тўлиб, бир неча нафар набиранинг бувиси бўлган бу аёл "борйўғи" 20 маротаба судланишга улгурган. Шундан ўн тўққизтасида у айнан фирибгарлик қилмишига қўл ургани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Жиноят иши ҳужжатларидан маълум бўлишича, Ҳадича опа ўз "фаолияти"ни 32 ёшида бошлаган. Кейин яна, яна ва яна фирибгарликка қўл ураверди. Натижада унинг қилмишлари жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида 8 маротаба, жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур ва Юнусобод туман судларида 2 мартадан, жиноят ишлари бўйича Сўх, Қува, Олмазор, Бувайда, Бағдод туман судлари ҳамда жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судида кўриб чиқилган. Аммо Ҳ.Эгамова булардан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган. Ҳатто жазодан муддатидан олдин ёки амнистия актига мувофиқ озод қилинган ёки жазо енгилроғи билан алмаштирилган кезларда, қолаверса, жазони ўташ мобайнида ҳам фирибгарликдан ўзини тиймаган.

Гап шундаки, хавфли рецидивист бўлган Ҳадича Эгамова бу галги жиноятини эски "шогирди" — айни пайтгача фирибгарлиги учун 5 маротаба судланишга "улгурган" Дилбар Фазлиддинова билан "ҳамкорликда" содир этди. Яъни 2018 йил 18 декабрь куни Ҳ.Эгамова компьютер орқали "Far Vodiy Nurli" хусусий корхонасида ўзини раҳбар, Д.Фазлиддинованинг қизи Г.Фазлиддиновани ҳисобчи бўлиб ишлаши ва йиллик иш хақлари ҳақидаги ҳужжатларни сохталаштириб, уларни Тошлоқ туманида фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркор З.Обиджоновга тақдим этади.

Натижада тадбиркорнинг савдо дўконидан нархи 3.410.000 сўмлик "3614" русумли нон пишириш печи, "Артел-9000" телевизори, бир дона миксер ва ошхона қозонини сотиб олиш тўғрисида 81-сонли шартнома тузишади. Шартнома шартига кўра, З.Обиджоновга 630.000 сўм бериб, қолган 2.780.000 сўмни 5 ой муддатда фоизи билан тўлаб боришини билдиради. Сўнг бу буюмларни нотаниш шахсларга сотиб, пулини шахсий эхтиёжлари учун сарфлаб юборади. Орадан 2 кун ўтиб, Х.Эгамова қўлида сохталаштирилган ҳужжатлар билан яна З.Обиджоновнинг дўконига кириб боради. Пировардида нархи 4.761.000 сўмлик "Артел" телевизори ва уяли телефонини олиб, тадбиркорга 830.000 сўм беради, холос. Яна ўтган галгидек қолган 3.931.000 сўмни 5 ой муддатда тўлашини айтади. Қўлга киритган буюмларини эса, аввалгидек, нотаниш шахсларга пуллайди.

Шундан сўнг Х.Эгамова янада каттароқ фирибгарликка қўл уради. Аниқроғи, 2019 йил 22 февраль куни тонгда Қувасой шаҳрининг Суфон маҳалласидаги мол бозорига йўл олади. Ўша куни Латифжон Ўрмонов ҳам ўзининг бир бош сигирини бузоғи билан бозорга олиб чиққанди. Бироқ Латифжон ака уйидан чиқаётганида устаси фаранг фирибгарга дуч келишини қаёқдан билибди, дейсиз. Х.Эгамова унинг сигирини 8.400.000 сўмга баҳолайди. Шу боис Л.Ўрмоновга 2.500.000 сўм ҳисобида 300 АҚШ доллари бериб, қолган қарзини эса, бир ҳафтада узишини айтади. Бу ҳақида тилхат ҳам ёзиб беради. Лекин орадан кўп ўтмай сигирни бузоғи билан бирга нотаниш шахсга сотиб, пулларни "ҳазм" қилиб юборади.

Буни қарангки, фирибгар хоним ўша куни бозордаги суҳбатда Латифжон Ўрмоновнинг уйида яна сотиладиган қорамоллари борлигидан хабар топганди. Бинобарин, икки кундан сўнг унинг уйига кириб боради.

— Бу молларингизни ҳам ўзим сотиб оламан, — дейди у. Сўнгра хонадон соҳибининг 2 бош молини 6.000.000 сўмга баҳолайди.

— Қолганини ўн кундан сўнг оласиз, — дея Л.Ўрмоновнинг қўлига 850.000 сўм ҳисобида 100 АҚШ долларини тутқазади. Аммо ўн кун тугул, орадан бир неча ой ўтса ҳамки, қарзини узмай, Латифжон акани лақиллатиб юраверади. Ваҳоланки, бу маккора аёл қорамолларни аллақачон сотиб, пулини жиғилдонига урганди.

Буёғини сўрасангиз, 2019 йил 5 март куни Х.Эгамова жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг ҳукмига биноан, муқаддам содир этган фирибгарлиги учун Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б"-банди билан айбдор деб топилиб, 4 йил 3 ой 21 кун озодликни чеклаш ва жарима жазосига маҳкум этилганди. Аммо унинг сўқир кўзлари барибир очилмади, аксинча, эски "ҳунари"ни давом эттираверади.

Маълум бўлишича, 2019 йил 13 март куни "қаҳрамон"имизнинг танишлари Одилжон Камолов ва Ғолиб Нурмуҳаммедов Ж. Холдоров ўзининг 4 бош қорамолини сотиш ниятида эканини айтишади. Бир эмас, 4 бош қорамол ҳисобига яхшигина пул ишлаб олишни ўйлаган фирибгар аёл эса, ўша заҳотиёқ оёғини қўлига олиб, Ж.Холдоровнинг уйига югуради.

— Фақат пулини ўн беш-йигирма кунда бераман, — дейди маккора аёл молларни 28.000.000 сўмга баҳолагач.

Ж.Холдоров ҳам бунга рози бўлади.

Қисқаси, ўша куни фирибгар аёл Ж.Холдоровнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб, молларни олиб кетади. Аммо у ўша куни молларни Марғилон шаҳридаги мол бозорида нотаниш шахсларга анча арзон нархда — 18.500.000 сўмга сотади-да, пулини шахсий эҳтиёжига сарфлаб юборади. Ж.Холдоровни эса, турли баҳоналар билан алдаб юраверади.

Булар ҳали ҳаммаси эмас.

Бу фирибгар аёл Қобил Мирзаназаровни ҳам чув туширади. Яъни у Қувасой шаҳар Беҳизор маҳалласидаги мол бозорида Қобил аканинг бир бош сигирини 9.000.000 сўмга баҳолайди. Кейин 2.000.000 сўм бериб, қолган 7.000.000 сўмини бир ҳафтада келтириб беришини айтади.

Албатта, келишилган муддатда Қ.Мирзаназаров Ҳадича Эгамовадан ўз ҳақини сўрайди. Лекин Ҳ.Эгамова ҳар гал унга бири иккинчисига ўхшамаган важ-карсонларни рўкач қилишдан чарчамайди.

Халқимиз "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади" деган ҳикматни бежизга айтмаган.

Буни қайд этишдан мақсад шуки, фирибгар аёл Х.Эгамованинг қилмишларига ҳам охир-оқибат чек қўйилди. Аниқроқ айтганда, тадбиркор З. Обиджоновнинг мурожаатига асосан, Тошлоқ туман ИИБ томонидан Хадича Эгамова ва Дилбар Фазлиддиновага нисбатан, Ж.Холдоровнинг аризасига мувофиқ эса, Қувасой шаҳар ички ишлар бўлими томонидан Ҳ.Эгамовага нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, иккала жиноят иши Жиноят-процессуал кодексининг талаблари доирасида бирлаштирилди. Натижада иккала фирибгар жиноят ишлари бўйича Қува туман судининг ҳукмига биноан қонуний жазога тортилди. Хусусан, Хадича Эгамова Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б"-банди ва 228-моддаси 2-қисми "б"-банди билан айбдор деб топилди. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2019 йил 5 мартдаги ҳукмига кўра, тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми ҳам қўшилди ва жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлар инобатга олиниб, узил-кесил 5 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б"-банди, 228-моддаси 2-қисми "б"-банди билан айбдор деб топилган Дилбар Фазлиддинова эса, муқаддам жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2019 йил 27 июндаги ҳукмига мувофиқ тайинланган озодликдан маҳрум қилиш ва жарима жазоси ҳам инобатга олинган ҳолда узил-кесил энг кам ойлик иш ҳақининг саксон беш баравари (17.232.050 сўм) миқдорида жарима ҳамда 5 йил 4 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этилди. Қолаверса, суд ҳукмида Х.Эгамовадан жабрланувчиларга етказилган зарарларни ундириш ҳам белгиланди. Д.Фазлиддинова эса, тергов жараёнида ўзи томонидан З.Обиджоновга етказилган зарарни тўлиқ қоплади.

Буни қарангки, суд жараёнида Х.Эгамова ўзининг ёши ва набирали аёл эканини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради. Энди ҳақли савол туғилади: хўш, нима учун у ёши улуғлигини, қуда-андали ва набирали аёл эканлигини шунча йиллар мобайнида ўйламади? Фирибгарлик билан қўлга киритган пуллари унга насиб қилдими?

Йўқ, албатта. Агар Ҳ.Эгамова фарзанду набираларининг элу юрт ва қуда-андалари олдида бошлари эгилишини ўйлаганида эди, нақ йигирма бир маротаба фирибгарликка қўл урмаган бўларди. Ваҳоланки, унинг тенгдошлари айни пайтда нафақа гаштини суриб, набиралари қуршовида умргузаронлик қилишмоқда. Шундай экан, ҳаётда ҳалоллик билан, пешона тери эвазига кун кўришга нима етсин?!

**Зафаржон ОМОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қува туман судининг раиси*
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Оқлов*

# Ноҳақ судланган судья

## *Олий судга мурожаатидан сўнг оқланди*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ахир, у судланган бўлса, буни биринчи навбатда, ўзи билиши керак-ку?! Аммо Н.Қодированинг ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. У шуларни ўйлаб, буткул тинчини йўқотди ва тегишли идоралардан сўраб-суриштиришга тушди. Пировардида унга 2013 йилда Жиноят кодексининг 206-моддаси 2-қисми "в"-банди, 28,167-моддаси 2-қисми "б", "в", "г"-бандлари, 28, 209-моддаси 2-қисми "а"-банди билан жиноят иши қўзғатилиб, жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2013 йил 15 июндаги ажрими билан жиноят иши айблилик масаласи ҳал қилинмай туриб, амнистия актига асосан тугатилганини маълум қилишди. Буни эшитиб, собиқ суд раиси аввалгидан ҳам баттар ҳайратга тушган.

Ахир, унинг ўзи бехабар ҳолда қандай қилиб жиноят иши қўзғатилиши ва амнистия акти қўлланилиши мумкин?!

Бинобарин, Навбаҳор опа вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида, юқори турувчи идораларга мурожаат қилди. Натижада 2015 йил 2 декабрда Андижон вилоят прокуратураси томонидан жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2013 йил 15 июндаги ажримини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун бошқа суд таркибига юбориш ҳақида кассация протести киритилди. Шунга кўра, жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди юқоридаги ажримни бекор қилиб, ишни жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг бошқа таркибига юборди. Аммо суд жиноят ишини дастлабки терговга қайтарди. Шу боис вилоят прокуратурасининг топшириғига мувофиқ, ушбу иш Шаҳрихон туман прокуратурасига юборилди. Охир-оқибат салкам бир йиллик тергов-суриштирув жараёнларидан сўнг Навбаҳор Қодировага нисбатан Жиноят кодексининг 28,167-моддаси 2-қисми "б", "в", "г"-бандлари, 205-моддаси 1-қисми "в"-банди, 28, 209-моддаси 2-қисми "а"-банди, 167-моддаси 2-қисми "б,г"-бандлари, 209-моддаси 2-қисми "а"-банди билан айблов эълон қилиниб, жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ туман судига юборилди. Суднинг 2017 йил 31 январдаги ҳукмига биноан, Н.Қодирова Жиноят кодексининг 28,209-моддаси 2-қисми "а"-банди, 167-моддаси 2-қисми "б,г"-бандлари, 205-моддаси 1-қисми ва 209-моддаси 2-қисми "а"-банди билан оқланган. Бироқ Жиноят кодексининг 206-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли жазодан озод қилинди. Собиқ суд раисининг ушбу ҳукмдан ҳам норози бўлиб берган апелляция шикояти эса, қаноатлантирмасдан қолдирилди.

Фақат шу йил 9 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Андижон вилоятидаги Халқ қабулхонасида бўлиб ўтган сайёр қабулида Олий суд раиси К.Комиловга мурожаат қилгандан сўнггина адолат қарор топди. Яъни Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 1 августдаги ажрими билан апелляция ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига юборилди. Бинобарин, суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан ўрганиб чиқди, гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланди.

Натижада дастлабки тергов органи ҳамда биринчи ва апелляция босқич судлари томонидан Жиноят-процессуал кодекси, Олий суднинг тегишли Пленум қарорлари ҳамда бошқа қонунлар талаблари бузилгани аниқланди.

Маълум бўлишича, Асака иқтисодиёт коллежида ўқиётган Даврон Ашурохунов судда амалиёт ўтаган. Ана шу жараёнда "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси Асака туман филиали томонидан қарздорликларни ундириш юзасидан судга тақдим этилган ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа жараёнларга ёрдамлашган. Натижада Даврон ўз қобилияти билан филиал раҳбариятига маъқул келиб, ишга қабул қилинган. Унинг ишга қабул қилиниши Навбаҳор Қодированинг кўрсатмаси билан эмас, балки ихтиёрий ва қонуний бўлган. Гарчи суд раиси Д. Ашурохуновнинг "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси Асака туман филиалининг даъво аризалари ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириб, 568 та суд мажлиси баённомаларини ёзишда суд мажлиси котибларига ёрдамлашишига йўл қўйган бўлса-да, бу ҳолат унинг мансаб ваколатларига алоқадор эмас ва ваколат доирасидан четга чиққанини англатмайди. Қолаверса, суд тергови мобайнида Н.Қодированинг хатти-ҳаракатлари билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ва жамият манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказганлигини тасдиқловчи далиллар аниқланмади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши, 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши белгиланган.

Юқорида қайд этилган асосларга таянган жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ туман судининг 2017 йил 31 январдаги ҳукмининг Навбаҳор Қодировани Жиноят кодексининг 206-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топиш қисмини бекор қилиб, уни оқлади. Қолаверса, суд ажримида Н.Қодировага реаблитация қилиниши муносабати билан ўзига етказилган мулкий, маънавий ва бошқа зиён оқибатларини Жиноят процессуал кодексининг 304-312-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилди. Энг муҳими, собиқ судьянинг маҳалла-кўй, танишбилиш ва ҳамкасблари орасида юзи ёруғ бўлди.

Маълумки, ҳаётда аёл барча эзгуликларнинг тимсоли сифатида қадрланади. Шу маънода айтганда, Навбаҳор Қодирова ҳам ўзининг 6 йиллик машаққати ва адолат учун кураши билан аёл кишининг нималарга қодир эканлигини яна бир карра исботлади. Энг эътиборлиси, айни пайтда унинг катта фарзанди Достонбек Ашурохунов Избоскан туман прокурорининг ёрдамчиси вазифасида меҳнат қилмоқда. Иккинчи ўғли Жаҳонгир эса, Тошкент давлат юридик университетининг 1-босқичида таҳсил олмоқда. Онаси ва акаларига ҳавас қилган Заринабону эса, ҳозир 10-синф ўқувчиси. Қувонарлиси, Навбаҳор опа фарзандларини ҳам эртаю кеч адолат ҳимоячиси бўлишга, ўзгаларга ҳамиша яхшилик қилишга, келажакда ҳалол ва пок бўлишга ундаб келмоқда.

**Дилноза ҲОЛИҚНАЗАРОВА,**
*жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг судьяси*
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**Куч — адолатда**

***МУАССИС:***
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

***Бош муҳаррир:***
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:***
**Козимджан КАМИЛОВ**
**Икрам МУСЛИМОВ**
**Холмўмин ЁДГОРОВ**
**Бахтиёр ИСАКОВ**
**Светлана АРТИКОВА**
**Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ**
**Замира ЭСОНОВА**
**Олим ҲАЙИТОВ**
**Азиз МИРЗАЕВ**
**Бобомурод РАЙИМОВ**

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй**
**Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54**
**E-mail: axborotnoma.oliy@sud.uz**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1223. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 5744
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $20^{00}$. Топширилди: $2^{30}$.